

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА  
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК \_\_\_\_\_

**ДАНИЯРОВ КУАТБАЙ ДАУИРХАНОВИЧ**

**ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА  
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-  
ҚУВВАТЛАШ**

**08.00.07 - “Молия, пул муомаласи ва кредит”**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)  
илмий даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий маслаҳатчи: Зайналов Ж. Р.,  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

**Нукус – 2026**

# МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>I-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	<b>18</b>
1.1-§. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш шароити хусусидаги илмий-услубий қарашлар.....	18
1.2-§. Иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятига бўлган илмий-услубий ёндашувлар.....	32
1.3-§. Иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг илмий-услубий жиҳатлари.....	51
Биринчи боб бўйича хулоса.....	65
<b>II-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ХОРИЖИЙ МОДЕЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ</b> .....	<b>69</b>
2.1-§. Осиё-тинч океани минтақаси ривожланган мамлакатлари моделлари таҳлили.....	69
2.2-§. Европа қитъаси ривожланган мамлакатлари моделлари таҳлили.....	89
2.3-§. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари моделлари таҳлили.....	101
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	104
<b>III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ</b> .....	<b>108</b>
3.1-§. Иқтисодиётни инновацион ривожланишининг амалдаги ҳолати таҳлили.....	108
3.2-§. Иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг жорий ҳолати таҳлили.....	129
3.3-§. Иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг мавжуд ҳолати таҳлили.....	147
Учинчи боб бўйича хулоса.....	165
<b>IV-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b> .....	<b>167</b>
4.1-§. Иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг долзарб муаммолари.....	167
4.2-§. Иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш йўллари.....	175
Тўртинчи боб бўйича хулоса.....	186
<b>ХУЛОСА</b> .....	<b>190</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>201</b>

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида иқтисодийнинг инновацион ривожланиши энг устувор йўналишлардан бирига айланиб бораётган бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни илғор технологияларини жорий этиш, рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш, саноат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда робототехникани қўллаш, энергия самарадорлиги ва тежамкорлиги юқори технологияларни ривожлантириш, юқори технологик маҳсулотларни яратиш ва бошқа шу каби кўплаб омиллар иқтисодий тармоқларининг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Инновацион ривожланишни баҳолайдиган Глобал инновациялар индексининг 2024 йил ҳисоботи (Global Innovation Index 2024) га кўра, сўнгги 10 йилликда фан ва инновацияга қилинган инвестиция бўйича ижобий ўсиш тенденцияси кузатилган бўлиб, жумладан, илмий нашрларга қилинган инвестиция 3,9 фоиз, тадқиқот ва ишланмалар (R&D) га қилинган инвестиция 5,1 фоиз, R&D га инвестиция қилган топ-компанияларнинг сони 8,2 фоиз, венчур капитали бўйича битимлар сони 9,7 фоиз ва венчур капитали қиймати 13,8 фоиз, шунингдек халқаро патент учун аризалар сони 2,9 фоизга ошган<sup>1</sup>. Шу боис, молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва давлат-хусусий ҳамкорликни кучайтириш долзарбдир. Бу эса иқтисодий ўсишни барқарорлаштиришга, янги иш ўринлари яратишга ва минтақаларда инновацион фаолликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Жаҳон бозорида ўз позициясига эга бўлишга интилаётган ва ўзининг рақобатбардош миллий брендларини ривожлантиришга ҳаракат қилаётган Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда инновацион иқтисодийга ўтиш йўлида сезиларли ижобий силжишларга эришилаётган бўлиб, бунда тадбиркорлик субъектлари, хусусан кичик ва ўрта бизнес (КЎБ) субъектларининг ролини

---

<sup>1</sup> Soumitra Dutta, Bruno Lanvin, Lorena Rivera León and Sacha Wunsch-Vincent. Global Innovation Index 2024: Unlocking the Promise of Social Entrepreneurship. 17th Edition. Geneva: World Intellectual Property Organization (WIPO), 2024. 324 pages.

оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Барқарор ўсиши ва рақобатбардошлиги инновацион ривожланишга бевосита боғлиқ бўлган тадбиркорлик субъектларини самарали молиявий қўллаб-қувватлаш ушбу жараённинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатда кичик ва ўрта бизнес сектори иқтисодий фаолликни ошириш, янги иш ўринлари яратиш, илмий-техника ютуқларини амалиётга жорий этиш ва турли соҳаларда инновацион ечимларни татбиқ қилишда муҳим ўрин тутади. Шу боис, жаҳон амалиётида бизнесни молиявий рағбатлантиришнинг турли механизмлари, хусусан, имтиёзли кредитлар, грантлар, венчур молиялаштириш, бизнес-инкубаторлар ва акселерация дастурлари кенг қўлланилмоқда. Инновацион иқтисодиёт шароитида молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёж янада ортиб, анъанавий молиялаштириш моделлари тадбиркорликнинг тез суръатларда ривожланиш талабларини тўлиқ қондира олмай қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, ривожланган мамлакатларда хусусий-давлат шериклиги, рақамли молиялаштириш инструментлари, финтех технологиялари ва краудфандинг каби янги ёндашувлар жорий этилмоқда. Бундай тажрибалар бизнес субъектларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда иқтисодиётни диверсификация қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 11-сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон-2030” Стратегияси тўғрисида”, 2022-йил 28- январдаги ПФ-60-сон “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2024-йил 21-февралдаги ПФ-37-сон “Ўзбекистон-2030” Стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб- қувватлаш йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”, 2025-йил 19-мартдаги ПФ-50-сон “Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш чора-тадбирлари тўғриси”да, 2023-йил 10-ноябрдаги ПФ-193-сон “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2024-йил 30-августда ПФ-132-сон “Тадбиркорлар билан тўртинчи очиқ мулоқотида белгиланган

вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 7-сентябрдаги ПҚ-312-сон “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2023-йил 14-сентябрдаги ПҚ-306-сон “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институтсионал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2023-йил 31-январдаги ПҚ-39-сон “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024-йил 20-январдаги 37-сон “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий - ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида ишлаб чиқилган: The World bank. <https://www.worldbank.org/en/topic/sme/finance>; Халқаро молия корпорацияси [www.ifc.org](http://www.ifc.org); National Bureau of Economic Research (NBER). <https://www.nber.org/&perall%20business>; Basel Committee on banking supervision. Basel-III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems-BaselIII, 2010. <http://www.bis.org/publications>; <https://www.bis.org>; Federal Reserve System (USA). <https://www.federalreserve.gov/>; European Central Bank. [www.ecb.europa.eu/pub/pdf/scpwps/ecb.wp2169.en.pdf](http://www.ecb.europa.eu/pub/pdf/scpwps/ecb.wp2169.en.pdf); Institute for Economic Policy Research of the Stanford University, <https://www.harvard.edu/>- Harvard University, <https://www.mit.edu/-Massachusetts> Institute of Technology, <https://www.stanford.edu/-Stanford> University, <https://www.uchicago.edu/en-University> of Chicago, <https://www.columbia.edu/-Columbia> University, <https://www.princeton.edu/-Princeton> University, <https://duke.edu/-Duke> University; <https://www.ox.ac.uk/-University> of Oxford, <https://www.lse.ac.uk/-London> School of Economics and Political Science, <https://www.cam.ac.uk/-University> of Cambridge, <https://www.london.edu/-London> Business School, <https://www.imperial.ac.uk/-Imperial> College London, <https://www.manchester.ac.uk/-University> of Manchester, <https://warwick.ac.uk/-University> of Warwick; <https://www.uni-mannheim.de/en/-Mannheim> University, <https://www.db.com/-Deutsche> Bank, [www.uni-bonn.de-University](http://www.uni-bonn.de-University) of Bonn; <https://www.sorbonne-universite.fr/en-University> of Paris Sorbonne, <https://www.rennes-sb.com/-Rennes> School of Business, <https://www.edhec.edu/en-EDHEC> Business School, <https://www.audencia.com/en/-Audencia> Business School; <https://www.u-tokyo.ac.jp/en-University> of Tokyo, <https://www.kyoto-u.ac.jp/en-Kyoto> University, <https://www.osaka-u.ac.jp/en-Osaka> University, <http://www.tohoku.ac.jp/-Tohoku> University, <https://en.nagoya-u.ac.jp/-Nagoya> University; <https://en.snu.ac.kr/>

Иқтисодий инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг методологик асосларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари билан боғлиқ кўп қиррали тадқиқот ишлари жаҳоннинг нуфузли илмий, таҳлилий марказлари ва олий таълим муассасалари, соҳага алоқадор халқаро ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, Жаҳон банки (The World bank), Халқаро валюта фонди (International Monetary Fund (IMF)), Халқаро Базель қўмитаси (International Basel Committee), АҚШ Федерал захира тизими (АҚШ), Европа марказий банки (European Central Bank), Иқтисодий тадқиқотлар миллий бюроси (National Bureau of Economic Research (NBER)), Harvard University, Massachusetts Institute of Technology, Stanford University, University of Chicago, Columbia University, Princeton University, Duke University (АҚШ), University of Oxford, London School of Economics, University of Cambridge, London Business School, Imperial College London, University of Manchester, University of Warwick (Буюк Британия), Mannheim University, Deutsche Bank, University of Bonn (Германия), University of Paris Sorbonne, Rennes School of Business, EDHEC Business School, Audencia Business School (Франция), University of Tokyo, Kyoto University, Osaka University, Tohoku University, Nagoya University (Япония), Seoul National University, Korea University, Yonsei University, KAIST (Жанубий Корея), University of Navarra, Universidad Carlos III de Madrid, Universitat Pompeu Fabra (Испания), University of St. Gallen, University of Zurich, ETH Zurich, University of Basel, University of Geneva (Швейцария), University of Melbourne, University

---

Seoul National University, <https://www.korea.edu/>-Korea University, <https://www.yonsei.ac.kr/>-Yonsei University, <https://www.kaist.ac.kr/en/>-KAIST; <https://en.unav.edu/>-University of Navarra, <https://www.uc3m.es/>-Universidad Carlos III de Madrid, <https://www.upf.edu/>-Universitat Pompeu Fabra, <https://www.unisg.ch/>-University of St. Gallen, <http://www.uzh.ch/en/>-University of Zurich, <https://ethz.ch/en/>-ETH Zurich, <https://www.unibas.ch/>-University of Basel, <https://www.unige.ch/>-University of Geneva, <https://www.unimelb.edu.au/>-University of Melbourne, <https://www.sydney.edu.au/>-University of Sydney, <https://www.monash.edu/>-Monash University, <https://www.anu.edu.au/>-Australian National University; <https://english.pku.edu.cn/>-Peking University, <https://www.tsinghua.edu.cn/en/>-Tsinghua University, <https://en.sjtu.edu.cn/>-Shanghai Jiao Tong University, <https://www.fudan.edu.cn/en/>-Fudan University, <https://www.zju.edu.cn/>-Zhejiang University; <http://www.fa.ru/>-Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации, <https://www.rea.ru/>-Российский экономический университет имени Г.В. Плеханова, <https://www.ranepa.ru/>- Российская академия народного хозяйства и государственной службы при Президенте РФ, <https://tsue.uz/>-Тошкент давлат иқтисодий университети, <http://www.sies.uz/>-Самарқанд иқтисодий ва сервис институти, <https://nuu.uz/>-Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.

of Sydney, Monash University, Australian National University (Австралия), Peking University, Tsinghua University, Shanghai Jiao Tong University, Fudan University, Zhejiang University (Хитой) Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Молия университети, Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Россия Президенти ҳузуридаги Халқ хўжалиги ва давлат бошқаруви академияси (Россия) ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш муаммоси бир қатор етакчи олий таълим муассасалари (ОТМ лар) ва тадқиқот марказлари томонидан ўрганилаётган бўлиб, улар жумласига Гарвард университети (АҚШ), Массачусетс технология институти (АҚШ), Стэнфорд университети (АҚШ), Кембридж университети (Буюк Британия), Лондон иқтисодиёт ва сиёсий фанлар мактаби (Буюк Британия), Оксфорд университети (Буюк Британия), Халқаро молия корпорацияси ҳузуридаги Кичик ва ўрта тадбиркорликни молиялаштириш форуми (АҚШ), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ҳузуридаги тадбиркорлик, кичик ва ўрта корхоналар, ҳудудлар ва шаҳарлар маркази (Франция), Брукингс институти (АҚШ), Европа иқтисодий тадқиқотлар маркази (Германия) ва Осиё тараққиёт банки институти (Япония), кичик ва ўрта бизнес (КЎБ) нинг инновацияларини молиялаштиришда давлат ва хусусий сектор шерикчилигини ривожлантириш ҳамда венчур капиталидан самарали фойдаланиш муаммолари ўрганилган (Гарвард университети); стартапларни мақсадли молиялаштириш ва инновацион ривожланиш сиёсати ёрдамида инновацион экотизимларни ривожлантириш масалалари ўрганилган (Массачусетс технология институти); технологияларга асосланган тадбиркорлик субъектларини кенгайтиришнинг молиявий механизм ва стратегиялари ўрганилган (Стэнфорд университети); билим иқтисодиётида КЎБ нинг инновацион фаолиятини молиялаштириш тизимини мустаҳкамлаш масалалари ўрганилган (Кембридж университети); тадбиркорликнинг

барқарор ривожланиши учун молиявий сиёсат ва инновацияларни молиялаштиришни ўзаро мувофиқлаштириш йўллари ишлаб чиқилган (Лондон иқтисодиёт ва сиёсий фанлар мактаби); иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларининг барқарор ва юқори самарадорликка эга лойиҳаларини молиялаштириш масалалари ўрганилган (Оксфорд университети).

Халқаро амалиётида иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг методологик, илмий-назарий, услубий ва амалий асосларини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги устувор йўналишлар: инновацион ривожланиш шароитида халқаро амалиёт тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор устувор йўналишларни белгилайди. Биринчидан, молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган илмий-назарий асосларни шакллантириш, инновацион лойиҳаларни баҳолаш усулларини такомиллаштириш муҳим. Иккинчидан, венчур маблағлаш, бизнес-ангеллар фаолияти ва технологик стартапларни рағбатлантиришга оид услубий механизмларни жорий этиш талаб этилади. Учинчидан, тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар, грантлар, субсидиялар ва кафолатлар бериш амалиётини кенгайтириш орқали молиявий инфратузилмани ривожлантириш долзарб вазифадир. Шу билан бирга, рақамли молия, краудфандинг ва краудинвестинг каби замонавий молиялаштириш воситаларини жорий этиш орқали инновацион экосистемани мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ. Бу йўналишлар миллий иқтисодиётнинг барқарор инновацион ўсишини таъминлашга хизмат қилади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг илмий-услубий асослари бир қатор хорижлик, МДҲ ҳамда маҳаллий олим, тадқиқотчи ва экспертлар томонидан ўрганилган бўлиб, қуйида улар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Хорижлик олим, тадқиқотчи ва экспертлар Йозеф Шумпетер, Франко

Модильяни, Мертон Миллер, Рональд Маккиннон, Эдвард Шоу, Карлота Перес, Роберт Г. Кинг, Росс Левин, Мариана Мацукато, Симона Матеут, Дарон Аджемоглу, Уфук Акджигит, Харун Алп, Николас А. Блум, Уильям Керри, Джон Фрост, Леонардо Гамбакорта, Хён Сон Шин, Фабиана Матос да Силва, Эдсон Апаресида де Араужон Кериду Оливейра, Марсела Барбоза де Мораес, Шерифе Коч, Рамазан Укту, Хассан Эссоп, Бирол Меркан, Пингфенг Лиу, Гуйуа Не, Маха Мухаммад Алсебай Мухаммад ва бошқалар ўз тадқиқотларида молиявий чекловлар КЎБ нинг инновацион фаолиятига қандай таъсир қилиши; тадбиркорлик субъектларининг инновацияларини молиялаштиришда давлат субсидияларининг аҳамияти; КЎБ инновацион фаолиятига молиявий институтларнинг ресурсларини жалб этиш масалалари; ривожланаётган мамлакатларда тадбиркорлик субъектлари инновацияларини қўллаб-қувватлашда рақамли молия платформаларининг тутган ўрни; тадбиркорлик субъектлари инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлашда давлат грантлари, солиқ имтиёзлари ва инфратузилмага инвестицияларнинг самарадорлиги; ва бошқа шу каби масалаларни ўрганишган<sup>3</sup>.

МДХ олим, тадқиқотчи ва экспертлари Зимовец А. В., Султанова А. В., Балабанова Е. С., Пенькова А. В., Васильчиков А. В., Герасимов К. Б., Чечина

---

<sup>3</sup> Robert Loring Allen. *Opening Doors: The Life and Work of Joseph Schumpeter. Volume Two: America*. New York: Taylor & Francis, 2017. 369 pages; Michael S. Knoll. *The Modigliani-Miller Theorem at 60: The Long-Overlooked Legal Applications of Finance's Foundational Theorem* // *Yale Journal on Regulation Bulletin*. Vol. 36, 2018. 21 pages; Alex Pienkowski, Kenneth S. Rogoff & S. Ali Abbas. *Sovereign Debt: A Guide for Economists and Practitioners*. Oxford: Oxford University Press, 2021. 436 pages; Carlota Pérez. *The Global Network for Economics of Learning, Innovation, and Competence Building System* // *GLOBELICS Working Paper Series*, 2022. 43 pages; King, Robert

G. & Levine, Ross. *Finance and growth: Schumpeter might be right* (English). Policy, Research working papers. Washington, D.C.: World Bank Group, 2021. <http://documents.worldbank.org/curated/en/361791468739247920>; Mariana Mazzucato. *The Entrepreneurial State: Debunking public vs. private sector myths*. London: Anthem Press, 2013. 266 pages; Mateut, S. *Subsidies, financial constraints and firm innovative activities in emerging economies*. *Small Bus Econ* 50, 131–162 (2018). <https://doi.org/10.1007/s11187-017-9877-3>; Daron Acemoglu, Ufuk Akcigit, Harun Alp, Nicholas A. Bloom & William Kerr. 2018. "Innovation, Reallocation, and Growth." *American Economic Review* 108 (11): 3450–91. DOI: 10.1257/aer.20130470; Jon Frost, Leonardo Gambacorta and Hyun Song Shin. *From Financial Innovation to Inclusion* // *Finance & Development*. March, 2021. Pages 14-17.; Fabiano Matos da Silva, Edson Aparecida de Araujo Querido Oliveira & Marcela Barbosa de Moraes. *Innovation development process in small and medium technology-based companies* // *RAI Revista de Administração e Inovação*. Volume 13, Issue 3. July-September 2016, Pages 176-189.; Sherife Koch, Ramazan Uctu, Hasan Essop & Birol Mercan. *The impact of innovation on economic growth: A dynamic panel data analysis using system GMM approach* // *International Journal of Innovation Studies*. 6 October 2025. <https://doi.org/10/1016/j.ijis.2025.09.003>; Maha Mohamed Alsebai Mohamed, Pingfeng Liu & Guihua Nie. *Causality between Technological Innovation and Economic Growth: Evidence from the Economies of Developing Countries* // *Sustainability* 2022, 14 (6). <https://doi.org/10.3390/su14063586>;

О. С., Исланкина Е. А., Куценко Е. С., Рудник П. Б., Шадрин А. Е., Зарук Н. Ф., Коломеева Е. С., Плешакова М. Е., Третьякова И. Н., Ершов Н. Ю., Богданова Е. А., Казаков Н. С., Парфенова Е. Н., Авилова Ж. Н., Глазунова Е. З., Лысикова М. А., Гришина И. А., Соколова А. П., Кабанник Е. А. ва бошқалар ўз тадқиқотларида иқтисодий санкциялар шароитида КЎБ инновацион ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлаш; тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг инновацион тизимлари; юқори технологик ишлаб чиқаришга эга тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш; худудий инновацион сиёсатни самарали амалга оширишда КЎБ ни молиявий қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти; иқтисодий санкциялар шароитида тадбиркорлик субъектларининг инновацияларни яратишларида маҳаллий ресурслардан фойдаланишларини молиявий қўллаб-қувватлаш; технологик тадбиркорлик ва стартапларни молиявий қўллаб-қувватлаш; тадбиркорлик субъектларининг импорт ўрнини босадиган маҳсулот ёки хизматлар яратишини қўллаб-қувватлашнинг молия-кредит механизмлари; ва бошқа шу каби муаммоларни ўрганишган<sup>4</sup>.

Маҳаллий олим, тадқиқотчи ва экспертлар Ғуломов С. С., Шермухаммедов А. Т., Зайналов Д. Р., Маликов Т. С., Ахроров З. О., Рустамов М. С., Бекимбетова Г. М., Жубанова Б. А., Олтаев Ш. С., Топилдиев С. Р.

---

<sup>4</sup> Зимовец А. В. Краткосрочная финансовая политика. Конспект лекций. Таганрог: Издательство НОУ ВПО ТИУиЭ, 2010; Султанова, А. В. Цифровая трансформация системы государственного управления = Digital transformation of the public administration system / А. В. Султанова, Е. С. Балабанова, А. В. Пенькова. – Текст: электронный // Цивилизационные перемены в России: материалы XIII Всероссийской научно-практической конференции / Министерство науки и высшего образования Российской Федерации, Уральский государственный лесотехнический университет. – Екатеринбург, 2023. – С. 93–99.; Васильчиков А. В., Герасимов К. Б. и Чечина О. С. Инновационный менеджмент. Учебное пособие. Самара: Самарский государственный технический университет, 2019. 153 стр.; Исланкина Е. А., Куценко Е. С., Рудник П. Б. и Шадрин А. Е. Инновационные кластеры - лидеры инвестиционной привлекательности мирового уровня. Методические материалы. Москва: Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики», 2017. 132 стр.; Зарук Н. Ф., Коломеева Е. С. и Плешакова М. Е. Источники финансирования сельскохозяйственных товаропроизводителей в постпандемический период // Экономика сельского хозяйства России. № 7, 2020. Стр. 8-13.; Третьякова И. Н., Ершов Н. Ю., Богданова Е. А. и Казаков Н. С. Факторы, оказывающие воздействие на инновационное развитие экономики // Естественно-гуманитарные исследования. № 1 (51), 2024. С. 245-249.; Парфенова Е. Н., Авилова Ж. Н. Формирование условий инновационного развития экономики региона // Экономика. Информатика. 2020. Том 47, №2. Стр. 288-294.; Глазунова Е. З., Лысикова М. А., Гришина И. А. Инновационный тип экономического развития // Нормирование и оплата труда в сельском хозяйстве, №12, 2024.; Соколова А. П., Кабанник Е. А. Экономические условия и приоритетные направления инновационного развития экономики России // Научный журнал «Вестник Алтайской академии экономики и права». 2020. №1 (Часть 1). Стр. 86-94.

Ҳасанов Р. Р., Атамурадов Ш. А. ва бошқалар ўз тадқиқотларида иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши фаол тадбиркорликнинг ўсиши ва тадбиркорларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигининг ошишига олиб келиши; иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш шароитида молиявий тизимни бошқариш самарадорлиги; тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолияти билан молиявий сиёсати ўртасидаги боғлиқлик; тадбиркорлик субъектлари инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашда солиқ имтиёзларининг аҳамияти; кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётининг инновацияларни ривожлантиришга қаратилиши; тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришда инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг аҳамияти; тадбиркорлик субъектларининг инновацион лойиҳаларини молиялаштириш; ва бошқа шу каби масалаларни ўрганишган<sup>5</sup>.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва Ўзбекистон Республикаси (Қорақалпоғистон Республикаси) иқтисодиётининг барқарор ривожланиши шароитида банк-молия, солиқ ва инвестиция фаолиятини

---

<sup>5</sup> Гулямов С. С., Шермухамедов А. Т. Роль интеллектуального потенциала и инноваций в повышении качества экономики // Сборник научных статей 8-ой Международной научно-практической конференции “Актуальные вопросы развития современного общества”. Курск, 20–21 марта 2018 года. Курск: Закрытое акционерное общество “Университетская книга”, 2018. Стр. 68-74.; Зайналов Д. Р. Проблемы эффективности управления финансовой системой в условиях инновационного развития экономики. *Miasto Przyszłości*, Vol. 43, 2023. Стр. 675–680.; Malikov T. S. Moliya: nazariy asoslar. O‘quv qo‘llanma. T.: “Iqtisod-Moliya”, 2021. 434 bet.; Axrorov Z. O. Foydani soliqqa tortish metodologiyasini takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati. Toshkent: Toshkent Kimyo xalqaro universiteti, 2025. 70 bet.; Рустамов М. С. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. Т.: Тошкент молия институти, 2023. 79 бет.; Бекимбаева Г. М. Повышение эффективности оценки инвестиционных проектов в условиях развития инновационной деятельности предприятий. Автореферат диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по экономическим наукам. Т.: Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан, 2020. 31 стр.; Jubanova B. A. Tadbirkorlik sub'ektlarining innovatsion loyihalarini moliyalashtirish masalalari // *Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot*. 2024-yil, dekabr. № 12-son. 1523-1529-betlar.; Олтаев Ш. С. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг инновацион йўллари // *Journal of Marketing, Business and Management (JMBM)*. Volume 3, Issue 5 (October), 2024. 19-25-бетлар.; Топилдиев С. Р., Ҳасанов Р. Р. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг инновацион моделлари. Ўқув қўлланма. Тошкент: Иқтисодиёт, 2019 йил. 206 бет.; Атамурадов Ш. А. Инновацион фаолиятни ривожланишга йўналтирилган инвестициялар таҳлили // *International Journal of Advanced Technology and Natural Science*. Vol. 3 (4) 2022. 19-24-бетлар.

модернизациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг илмий-услубий асосларини ўрганиш;

иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг хорижий мамлакатлар моделларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимининг амалдаги ҳолати ва унга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммо ва камчиликларни аниқлаш;

иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти, шу жумладан инновацион фаолияти ҳамда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ўртасидаги молиявий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида илмий-назарий, илмий-

методологик, назарий-амалий, иқтисодий-статистик, тизимли, қиёсий, онлайн ва аналитик таҳлил ҳамда гуруҳлаш усулларидан; маълумотларни тўплашда бирламчи ва иккиламчи тадқиқот манбалари, шу жумладан очиқ маълумотлар ва халқаро даражада тан олинган базалардаги илмий материаллардан; шунингдек, илмий асосланган хулосалар қилишда мантиқий, критик-танқидий, креатив-ижодий ва интуитив тафаккур усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ижобий кредит ва солиқ тарихига эга ҳамда кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари ёрдамида лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини кенгайтириш учун кредитлар ажратишда уларга гаров талаби 50 фоизга камайтирилган тартибда бериш таклиф этилган;

тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва “яшил” иқтисодиёт йўналишидаги микролойиҳаларига тижорат банклари томонидан 500 млн сўмгача ажратилган кредитларни қайта молиялаштиришни ажратилган кредитнинг фоиз ставкасини 6 фоизгача, бироқ Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкагача камайтириш таклиф этилган;

тикув-трикотаж, пойабзал ва чарм-атторлик саноати йўналишларида ишлаб чиқариш фаолиятини юритаётган ва барча шартларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган тадбиркорлик субъектлари учун фойда солиғи ставкаси 2 фоиз ва ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгилаш таклиф этилган;

олис ва бориш қийин бўлган худудларда рўйхатдан ўтган тадбиркорларга ажратилган кредитларнинг мос равишда 1,5 млрд сўмдан 5 млрд сўмгача бўлган қисмини Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкасигача қайта молиялаштириш орқали компенсация тўлаб бериш таклиф этилган;

ажратилган кредитларни қайта молиялаштириш ва тадбиркорлик субъектларини “чемпион” тадбиркор тоифасига олиб чиқиш учун 300 миллиард сўмгача бюджет ссудасини ажратиш бориш таклиф этилган;

йирик тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш

ва “яшил” иқтисодиёт йўналишидаги йирик лойиҳаларига уларнинг айланмасидан келиб чиқиб, 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлган миқдорда кафолат бериш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат: тадбиркорлик субъектлари учун уларнинг инновацион лойиҳаларига таъсир кўрсатадиган молиявий рискларни баҳолаш методологияси ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини молиявий қўллаб - қувватлашнинг инновацион усуллари ва воситаларидан фойдаланиш илмий ва услубий жиҳатдан асосланган;

инновацион лойиҳалар-стартап лойиҳаларига инвестицияларни жалб этиш тизимини такомиллаштириш илмий ва услубий жиҳатдан асосланган;

иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларининг молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятларидан самарали фойдаланишларига уларнинг молиявий саводхонлиги даражасининг таъсирини баҳолаш методологияси ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш натижасида уларнинг 2030 йилгача бўлган инновацион ривожланиш кўрсаткичлари прогнозлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг илмий - услубий жиҳатдан ўрганилганлиги, бу борада хорижий мамлакатлар, шу жумладан ривожланган мамлакатлар моделларининг тадқиқ этилганлиги, Ўзбекистон иқтисодиётининг инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимининг амалий маълумотлар асосида таҳлил қилинганлиги, хулоса ва таклифларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот

натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улардан иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти, молиявий қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш, жумладан илмий мақолалар яратиш, докторлик ва магистрлик диссертациялари ҳамда битирув-малакавий ишларини тайёрлаш, шунингдек маҳаллий ва халқаро илмий лойиҳаларни яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан мамлакат ва ҳудудлар иқтисодиётининг инновацион ривожланиши, мамлакат ва ҳудудларда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакат ва ҳудудлар иқтисодиётининг инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс дастур, режалар, чора-тадбирлар, мақсадли кўрсаткичлар ва стратегиялар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича олинган натижалар асосида:

ижобий кредит ва солиқ тарихига эга ҳамда кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари ёрдамида лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини кенгайтириш учун кредитлар ажратишда уларга гаров талаби 50 фоизга камайтирилган тартибда бериш таклифи Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 1 февралдаги 02-06/9-02/114-сонли далолатномаси). Натижада, тадбиркорлар учун кредит олиш шартлари енгиллашади, бу эса ўз навбатида уларнинг фаолиятини кенгайтириш, иш ўринлари яратиш ва иқтисодий фаолликни оширишга хизмат қилган.

тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва “яшил” иқтисодиёт йўналишидаги микролойиҳаларига тижорат банклари

томонидан 500 млн сўмгача ажратилган кредитларни қайта молиялаштиришни ажратилган кредитнинг фоиз ставкасини 6 фоизгача, бироқ Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкагача камайтириш таклифи Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 1 февралдаги 02-06/9-02/114-сонли далолатномаси). Натижада, микролойиҳалар учун кредитлар арзонлашади ва тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳамда “яшил” иқтисодиёт йўналишидаги лойиҳаларини амалга ошириш имкониятлари кенгаяган.

тикув-трикотаж, пойабзал ва чарм-атторлик саноати йўналишларида ишлаб чиқариш фаолиятини юритаётган ва барча шартларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган тадбиркорлик субъектлари учун фойда солиғи ставкаси 2 фоиз ва ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгилаш таклифи Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 1 февралдаги 02-06/9-02/114-сонли далолатномаси). Натижада, енгил саноат, тикув-трикотаж ва чарм-пойабзал тармоқлари тез ривожланади, маҳаллий маҳсулотлар бозори кенгайади, экспорт салоҳияти ошади, аҳоли бандлиги ва иш ўринлари сони кўпайган.

олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда рўйхатдан ўтган тадбиркорларга ажратилган кредитларнинг мос равишда 1,5 млрд сўмдан 5 млрд сўмгача бўлган қисмини Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкасигача қайта молиялаштириш орқали компенсация тўлаб бериш таклифи Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 1 февралдаги 02-06/9-02/114-сонли далолатномаси). Натижада, олис ва бориш қийин ҳудудларда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг молиявий юқини камайтириш, кредитлар қийматини арзонлаштириш ва уларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга хизмат қилган.

ажратилган кредитларни қайта молиялаштириш ва тадбиркорлик субъектларини “чемпион” тадбиркор тоифасига олиб чиқиш учун 300

миллиард сўмгача бюджет ссудасини ажратиб бориш таклифи Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 1 февралдаги 02-06/9-02/114-сонли далолатномаси). Натижада, тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг кредит юқини енгиллаштириш ва “чемпион” тадбиркор тоифасига кўтарилиш имкониятларини кенгайтириш орқали тадбиркорлик фаоллигини ва иқтисодий ўсишни рағбатлантирилган.

Йирик тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва “яшил” иқтисодиёт йўналишидаги йирик лойиҳаларига уларнинг айланмасидан келиб чиқиб, 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлган миқдорда кафолат бериш таклифи Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 1 февралдаги 02-06/9-02/114-сонли далолатномаси). Натижада, йирик тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва “яшил” иқтисодиёт йўналишидаги йирик лойиҳалари учун кредит ва инвестицияларни жалб қилиш осонлашган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 21 та, жумладан, 20 та республика ва 1 та халқаро илмий – амалий конференцияларда маъруза шаклида баён қилинган, муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этган илмий журналларида 19 та илмий мақола, жумладан 14 та республика ва 5 та нуфузли хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши

таркибан кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация иши ҳажми 201 бетдан иборат (мундарижа ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати бу ҳажмга кирмайди).